



ЗИЁРАТЧИЛАРИМИЗ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 сентябрь куни Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон ар-Раба бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Муслмон оламининг муқаддас зиёратгоҳларига сафарларни ташкил этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, фуқароларимизнинг Саудия Арабистониди бўлиши билан боғлиқ янада қулай ва шинам шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида ҳаж ва умра ишлари вазири давлатимиз раҳбарига Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиахд, мамлакат Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Саудия делегациясининг ушбу ташрифи жорий йил август ойида Саудия Арабистонига амалга оширилган тарихий аҳамиятдаги давлат ташрифи давомида олий даражада эришилган келишувларнинг давоми экани алоҳида таъкидланди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон фуқаролари учун йиллик ҳаж квотасини икки баробар — 24 минг

нафаргача, умра зиёратчилари сонини эса 100 минг нафаргача ошириш юзасидан келишувга эришилди. Шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, рақамлаштириш соҳасида илгор тажрибани жорий қилиш, саудиялик туристлар-

нинг юртимизда бўлиши учун визасиз тартиб жорий қилинганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг Ўзбекистонга сафарларини кўпайтириш, икки мамлакат етакчи илмий-тадқиқот марказлари ўртасида шериклик алоқаларини йўлга қўйиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини дунёдаги энг машаққатли ва шарафли ишга бағишлаб келаётган барча Ўзбекистон педагогларини Ўқитувчи ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этаман.

Биз устоз зотини азалдан отадай улуг деб биладиган, ҳамиша бошига кўтариб эъзозлайдиган маърифатпарвар халқ фарзандларимиз.

Хар бир инсон ҳаётда қандай ютуққа эришган бўлса, уларда қадрдон ўқитувчи ва устозларининг бекиёс ҳиссаси борлигини умрбод миннатдорлик билан эслайди.

Шахсан мен ўқитувчи деганда — замон билан ҳамқадам бўлган жонкуяр, зиёли шахси, мактаб деганда — билим ва маърифат ёғдуси таралиб турадиган, Учинчи Ренессанс пойдевори кўйиладиган табаррук масканни кўз олдимга келтирмаман.

Биз, ота-оналар ўзимизнинг энг катта бойлигимизни — азиз фарзандларимиз келажагини сиз, муҳтарам устозлар кўлига ишониб топширганмиз. Шу маънода, буюк шоиримиз Абдулла Ориповнинг: “Сиздан бошланади асли тафаккур”, деган сўзларида теран ҳаётий ҳикмат бор.

Бугунги кунда фидойи устоз ва мураббийларнинг эзгу хизматлари туфайли ёшларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётгани, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қандай катта марраларни кўлга киритаётгани барчамизга чексиз қувонч бахш этади.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Утган ўқув йилларида ёшларимиз халқро ва минтақавий фан олимпиадаларида 45 та олтин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритгани таълим соҳасидаги ислохотларимиз самарасига яна бир далилдир.

Барчамизга аёнки, **муаллимнинг обрў-эътибори — бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.** Шу боис, биз кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Педагог ходимларни мажбурий меҳнат ва турли жамоатчилик ишларига жалб қилиш ҳолатларига чек қўйилгани, таълим муассасаларида қорғозбозликка барҳам берилмаётгани бугун ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Олис ҳудудлардаги мактабларга дарс бериш учун жалб этилган юқори тоифали ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда фарзандларимизни гўдаклик давридан то камолот ёшига қадар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнини топишига хизмат қиладиган узлуксиз ва самарали тизим яратилмоқда.

Хусусан, кейинги 6 йилда мактабгача таълим ташкилотлари сони 5,5 баробар кўпайиб, 28 мингдан ошгани ва қамров даражаси 70 фоизга етгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу ўринда, 2022–2026 йилларда халқ таълими тизимини ривожлантириш бўйича Миллий дастур қабул қилингани, мактаб таълимини ислоҳ қилиш бўйича Миллий кенгаш ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айни вақтда Ўзбекистон тарихида биринчи марта бошланғич синфларда фанларни ўзлаштириш даражасини аниқлайдиган нуфузли халқро баҳолаш дастурлари йўлга қўйилди.

Жорий йилда давлат бюджети ҳисобидан барча замонавий шароитларга эга 51 та янги мактаб бунёд этилди. Шунингдек, 1660 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 119 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди.

Шу билан бирга, 465 та мактаб учун қўшимча ўқув бинолари, 115 та спорт зали ва майдончалари барпо қилинганини қайд этиш лозим. Таълим масканларига 35 мингдан зиёд қўшимча ўқув жиҳозлари тўплами етказилди, 1 минг 900 га яқин мактабнинг инфратузилмаси тубдан янгиланди. 2,5 мингдан зиёд синфхона 31 мингта замонавий компьютер билан таъминланди.

Янги ўқув йилидан бошлаб республикадаги 137 та мактабда инклюзив синфлар ташкил этилиши натижасида ногиронлиги бўлган юзлаб болаларнинг фаол билим олишига шароит яратилди.

Ўқитувчиларнинг билими ва касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли кейинги бир йилда малака тоифасига эга муаллимлар сони 300 мингдан ошгани таълим сифатиغا ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Айни пайтда мактаблар учун замонавий ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш бўйича ЮНИСЕФ, ЮСАИД

халқро ташкилотлари билан ҳамкорликда, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Финляндия каби ривожланган давлатларнинг тажрибали экспертлари иштирокида кенг қамровли изланишлар давом эттирилмоқда.

Кейинги йилларда юртимиздаги янги олий ўқув муассасалари сони қарийб 2,5 баробарга кўпайиб, 186 тага етказилгани, қабул квоталари 3,5 баробар ортигани олий таълим тизимини ривожлантиришда гўят муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўринда соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида 42 та нодавлат олий ўқув юрти ташкил этилгани, хорижий олийгоҳлар филиаллари сони эса 31 тага етганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Азиз юртдошлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, биз таълим тизимини янада ривожлантириш масаласини Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширадиган энг асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгиллаб олганмиз.

Бизнинг мақсадимиз — Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустакил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб шаклланиши зарур.

Бу эзгу мақсадга эришиш учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш бўйича бошлаган ишларимизни, албатта, манتيқий якунига етказамиз.

Барча ҳудудларимиз, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратамиз.

Ўқитувчи ва домларлар, тарбиячи ва мураббийлар, илм-фан соҳаси ходимлари учун муносиб шароит яратиш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, моддий таъминотини яхшилаш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамиз.

Ҳаммамиз гувоҳмиз, бугун таълим-тарбия тизими бутун жамиятимиз, халқимизнинг диққат-эътиборида турибди. Соҳадаги ҳар бир ўзгариш юртдошларимиз ўртасида қизгин муҳокама-мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда.

Биз бундан бундан ҳам халқимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, жамоатчилик

фикрини атрофлича таҳлил қилиб, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш йўлидан борамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун дунё шафқатсиз рақобат майдонига айланган. Барча соҳаларда қандай кескин кураш кетаётганини ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Ҳозирги замонда ҳамма жабҳаларда илм, билим ва салоҳият сув билан ҳаводай зарурлиги, ҳар қайси давлат фақатгина шу асосда тараққиётга эришиши, содда қилиб айтганда, инсон билан кучидан кўра, илм кучи билан кўпроқ даромад ва обрў-эътибор топиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Биз даврининг мана шундай ўткир талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда ихтисослаштирилган мактабларнинг мутлақо янгича тармоғини ташкил қилдик. Ёшларни замонавий касб-хунарларга ўргатадиган юзлаб масканлар, IT-парклар бунёд этмоқдамиз.

Мана, буюк аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқро миқёсда кенг нишонлаш бўйича қарор қабул қилдик. Хоразмда шонли аждодимиз Муҳаммад Хоразмий номиди янги шахарча қуришга киришдик.

Буларнинг барчасидан кўзлаган мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, Янги Ўзбекистоннинг янги берунийлари, янги хоразмийлари, ибн синолари ва фарғонийларини камолга етказиш, шу орқали жонажон Ватанимизни дунё миқёсида ривожланган, тинч, эркин ва фаровон мамлакатга айлантиришдан иборат.

Сиз, азиз устоз ва мураббийлар бугун мана шундай ўта масъулиятли жабҳада том маънода тарихий миссияни адо этмоқдасиз. Чунки Ватан ва халқ манфаати учан мардона қурашадиган, ўзининг қатъий ҳаётий позициясига эга, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни тарбиялаш — ҳақиқатан ҳам гўят эзгу ва улуг вазифадир. Барчангизга шу шарафли йўлда олиб бораётган олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Хонадонларингизга доимо тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ёр бўлсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз устоз ва мураббийлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МУАЛЛИМНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ — МИЛЛАТНИНГ, ХАЛҚНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИДИР

Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқро туристик мажмуаси Конгресс марказида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.



Яқинда ўн тўрт давлат етакчилари иштирокидаги йирик халқро форум — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитига мезбонлик қилган ушбу мажмуада иккинчи нуфузли тадбир — устозлар байрамининг

нишонланиши юртимизда таълим соҳаси вакиллари қай даражада эътибор ва эҳтиромда эканлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚРО ТАЖРИБА

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси “Халқ — қонуларнинг ягона манбаи ва муаллифидир” ҳамда “Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади” деган тамойилларга асосланган ҳолда ўтказилмоқда.

Янгиланаётган Конституция — Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори

Президентимиз жорий йилнинг июнь ойида Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг

эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

▶ Давоми 3-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИНГ ЎРНИ

Шарифбек ҲАСАНОВ,
Вазирлар Маҳкамасининг Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси бошлиғи

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қатъий тартиб асосида маданий меросни ҳимоя қилишда тизимли ишлар изчил давом этишига жиддий туртки берди.

Ушбу ҳужжатлар талаблари асосида маданий мерос соҳасида масъул шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш, қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ташкилий ҳамда назорат фаолияти шакллари ва услубларини такомиллаштириш борасида комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Бу жараёнда ижро интизоми, шахсий масъулият ва ташаббускорлик асосий мезон қилиб олинди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг мутлақо янги “Ijro.gov.uz” тизими яратилиши жамият ҳаётидаги муҳим ислохот, янгилик ва ўзгаришлар, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлмоқда.

Тарихий обидаларимиз нафақат сайёҳларни жалб қиладиган моддий маданий мерос, балки халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида ҳам аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан моддий маданий мерос объектлари муҳофазасини кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси ташкил этилди. Бугунги кунда инспекция моддий ва номоддий маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан

фойдаланиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан қўриладиган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, ахборотга доир, моддий-техникавий ва бошқа чора-тадбирларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Инспекция, аввало, “Халқ давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили асосида иш юритади. Сўнгги бир ярим йил давомида маданий мерос соҳасига оид 2 та қонун, Президентнинг 1 та фармони ва 3 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 20 та қарори ва фармойиши қабул қилинди.

Иш самарадорлигини ошириш, маданий мерос объектларини муҳофаза этиш ва улардан самарали фойдаланишда, айниқса, янги ташкил этилган “Ijro.gov.uz” электрон тизими қўл келмоқда.

Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси томонидан олиб борилган мувофиқлаштириш ишлари натижасида ижро интизоми

ҳолати бўйича ўтган даврда Президентимизнинг 4 та фармони, 16 та қарори, 1 та фармойиши ва 11 та баёни доирасида берилган жами 536 та топшириқнинг 114 таси ўз вақтида бажарилган бўлса, 422 тасининг ижроси давом эттирилмоқда.

Қонунчилик ҳужжатлари, қўйилган вазифалар моҳияти ва аҳамиятини қўйи тузилмалардан тортиб ходимларгача тезкор етказиш, назорат бандлари ва топшириқларни бажаришда ташкилот раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги таъминланган. Юқори ва қўйи тизимлар ўртасида тезкор ички ахборот алмашинуви жараёни тўлиқ электрон форматга ўтказилган. Бу эса соҳага доир қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишда ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада янги ривожланиш босқичини бошлаб берди ҳамда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича замонавий бошқарув механизмлари жорий этилди.

Бунинг исботини Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги, Бош прокуратурада Маданий мерос соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш бўлими ташкил этилганида кўриш мумкин.

Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ишлари тўдан қайта кўриб чиқилди ҳамда Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси ва унинг Бухоро, Шахрисабз, Самарқанд, Термиз, Қўқон, Хива минтақавий марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида халқаро стандартларга мос таълим

тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, “Ипак йўли” туризм халқаро университети “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети этиб қайта ташкил этилди. Университет таркибида Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Марғилон, Хива туризм ва маданий мерос техникумлари ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази ташкил этилди.

Маданий мерос объектларини асраш соҳасида Жанубий Корея, Япония, Франция, Италия, Туркия, Эрон ва Россия каби мамлакатлар билан дастлабки келишувларга эришилди ва меморандумлар имзоланди.

Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 3,4 миллиард сўм ажратилиб, ушбу тизим ривожига сарфланди.

Маданий мерос объектларига зарар етказиш бўйича фуқаролар ҳамда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини янада ошириш мақсадида Жиноят кодексига 7 йилгача озоликдан маҳрум қилиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик (БҲМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жазима) белгиланди.

2021 йил август ойидан 2022 йил июлига қадар Вазирлар Маҳкамасининг Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Бош прокуратура ва агентлик томонидан 255 мартаба ўрганиш тадбири ўтказилиб, 662 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилди ва 235 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқи тикланди.

2022 йилда маданий мерос объектларига ажратилган маблағга (75 миллиард сўм) қўшимча равишда реставрация ва таъмирлаш-тиклаш, муҳофаза теғраларини белгилаш, археология тадқиқотларини жадаллаштириш, консервация ва музейлаштириш ишлари учун 48 та лойиҳага 157,2 миллиард сўм ажратилди.

2022 йил июль ойда ISECO (Халқаро ислом ташкилоти) Бухоро шаҳрида қойилган

“МАДАНИЙ МЕРОСНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛГАН МУВОФИҚЛАШТИРИШ ИШЛАРИ НАТИЖАСИДА ИЖРО ИНТИЗОМИ ҲОЛАТИ БҲИИЧА ЎТГАН ДАВРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 4 ТА ФАРМОНИ, 16 ТА ҚАРОРИ, 1 ТА ФАРМОЙИШИ ВА 11 ТА БАЁНИ ДОИРАСИДА БЕРИЛГАН ЖАМИ 536 ТА ТОПШИРИҚНИНГ 114 ТАСИ ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛГАН БЎЛСА, 422 ТАСИНИНГ ИЖРОСИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА.

7 та маданий мерос объекти Жаҳон ислом олами дурдоналари рўйхатига киритилганини эълон қилди.

Давлат музейларига маданий бойликларни, жумладан, мустақиллик йилларида яратилган, юксак бадиий қийматга эга тасвирий ва амалий санъат асарларини харид қилиш учун Маданий мерос агентлигига ҳар йили 4 миллиард сўмдан ҳамда ҳудудлардаги тегишли давлат музейларига 500 миллион сўмдан маблағ ажратилиши йўлга қўйилди.

Бу ижро ишларидан ҳар бирининг замирида қадим тарихимизга бориб тақаладиган, буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган маданий мерос объектлари муҳофазаси ётибди.

Албатта, маданий мерос соҳасидаги қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларида белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажариш, ижро интизоми янада мустаҳкамлаш, шахсий масъулият ва ташаббускорликни ошириш ишлари изчил давом эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги мустақил тараққиёт йўлимиз ҳам ўзига хос буюк давлатчилигимиз тарихи ва анъаналари билан уйғунлашгандир. Пойдевори мустаҳкам иморат асрлар давомида, минг йиллар қад ростлаб туради. Илдизи қақуват, тарихий хотираси боқий халқ ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайд.

МУАЛЛИМНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ — МИЛЛАТНИНГ, ХАЛҚНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИДИР



Бошланиш 1-бетда

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган фидойи ўқитувчи ва мураббийлар, бағрикенг устозлар Самарқандда муносиб кутиб олинди. Уларга мазкур халқаро марказдаги замонавий меҳмонхоналарнинг азиз меҳмонлари сифатида алоҳида иззат-икром кўрсатилди. Маросим олди-дан меҳмонлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган мажмуада яратилган имконият ва шароитлар билан танишди. Халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти, маданияти, бир неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, миллий ҳунармандчилик меросини намойиш этган “Бокий шаҳар” мажмуаси меҳмонларга манзур бўлди.

— Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида Президентимиз иштирокида тантанали очилган ушбу мажмуани телевизорда қўриб ҳавасим келганди, — дейди Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анаора Маҳмудова. — Кейин дунё ахли эътибори марказида бўлган ШҲТ Самарқанд саммити ҳам бу ерда жуда юксак савияда ўтганини қўриб, эшитиб, ҳавасим ҳайратга айланди, қалбимда жуда катта фахр, ифтихор туйдим. Ҳурматли Президентимизнинг биз — ўқитувчиларга бўлган самими

муносабатлари, ҳурматлари ифодасини қарангки, касб байрамимиз бугун ушбу қўтлуғ масканда нишонланмоқда. “Буюк ипак йўли” маркази Янги Ўзбекистонимизга муносиб замонавий мажмуа бўлибди.

Конгресс марказида жонажон Ватанимизнинг турли ҳудудларидан келган энг фидойи, заҳматкаш ўқитувчи ва мураббийлар, соҳа фахрийлари ва ёшлар жам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг байрам муносабати билан мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригини Президент матбуот котиби Ш.Асадов ўқиб эшиттирди.

Табриқда қайд этилган “шаҳсан мен ўқитувчи деганда — замон билан ҳамқадам бўлган жонқуяр, зиёли шахсни, мактаб деганда — билим ва маърифат ёдуси таралиб турадиган, Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилганди табарруқ масканни қўз олдимга келтирмаман”, деган юксак эътироф тантанали маросим қатнашчиларини янада руҳлантирди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида таъкидлаганидек, бугун таълим-тарбия тизимини ислох қилмасдан туриб, олдимизга қўйган марра ва мақсадларга эришиш қийин. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ислохотлар изчиллиги ва тараққиётни таъминловчи куч бу — юксак билим ва тафаккур

соҳиби бўлган ёшлардир. Уларни мактаб, академик лицей, техникум, олий таълим даргоҳлари ва бошқа илм масканлари, фидойи устоз ва мураббийларимиз тарбиялайди.

Бинобарин, инсон тарбиясида, камолотида устозларнинг хизматлари беқиёс. Уларнинг кўз нури, қалб қўри, меҳри ўқувчи фарзандларимиз илм эгаллаб, билим ва касб кўникмаларини ўзлаштириб, жамиятда ўз ўрнини топишга интиломоқда. Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

Табриқда таъкидланганидек, муаллимнинг обрў-эътибори — бу, аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир. Шу боис, кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил

жорий йилда давлат бюджети ҳисобидан 51 та янги мактаб бунёд этилди. 1660 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 119 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди.

Шу билан бирга, 465 та мактаб учун қўшимча ўқув бинолари, 115 та спорт зали ва майдончалари барпо қилинди. Таълим масканларига 35 мингдан зиёд қўшимча ўқув жиҳозлари тўплами етказилиб, 1 минг 900 га яқин мактабнинг инфратузилмаси тўздан янгиланди. 2,5 мингдан зиёд синфхона 31 мингта замонавий компьютер билан таъминланди.

Ўқитувчиларнинг билим ва касбий маҳоратини ошириш, малакали ва билимли педагоглар сафини кенгайтиришга қаратилган эътибор натижаси ўлароқ, тоифага эга ўқитувчилар сони бир йилда 220 минг нафардан 303 минг



этиш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Жумладан, 2022–2026 йилларда халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг Миллий дастури қабул қилинди ва мактаб таълимининг ислох қилиш бўйича Миллий кенгаш тузилди.

Мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замон талабларига мос шароит яратиш мақсадида биргина

нафарга етди. Олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқитувчилар эса қарий 143 минг нафар бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан энг олис ҳудудлардаги мактабларда фаолият кўрсатаётган фидойи ва жонқуяр ўқитувчиларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари билан қўшимча 100 фоиз устама тўлаш тартиби жорий этилди.

Бу сай-ҳаракатлар туфайли бугун мактаб, таълим масаласи умумхалқ ҳаракатига айланди. Таълим соҳаси вакилларининг жамиятдаги ўрни ва



Ў.А. сураблари.

мақоми юксалди. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли юртимиз ёшлари халқаро олимпиада ва танловларда, спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришмоқда, жонажон Ўзбекистонимиз номини, шухратини дунёга тараннум этмоқда.

Бундай шижоатли меҳнат, фидойилик эса муносиб эътироф этилиб, қадр топпоқда.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 сентябрь куни қабул қилинган фармонида кўра, мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига миллий ва илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги катта хизматлари учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг фахрий унвон, ордон ва медаллари билан тақдирланди.

Байрам тадбирида ушбу мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Маросимда мукофотланганлар, фидойи ўқитувчилар кўрсатилаётган ҳурмат, эътиром, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этдилар.

— Бугун биз ва шоғирдларимиз эришаётган натижалар, юртимиз таълим соҳасидаги янгиликлар, аввало, Президентимизнинг таълим-тарбия тизимига бўлган эътиборлари, яратиб берган имкониятлари самараси деб биламиз, — дейди Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 47-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби кимё фани ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Абдуқодир Шамсиддинов. — Ушбу мукофот ҳам ана шу ислохотлар натижаси ва марҳаматлик барча ўқитувчилар меҳнатининг юксак эътирофидир. Бу, албатта, зиммамга улкан масъулият юклаб, ёш авлодни яна ҳам билимли, замонавий илмларни пухта эгаллаган ёшлар сифатида тарбиялашимиз учун фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

Байрам тадбирида юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ў.А. мухбири

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Қайд этиш лозимки, Президентимиз илгари сурган “**Инсон қадри учун**” ғояси, шунингдек, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг бош тамойили бўлган “**Инсон — жамият — давлат**” ёндашувини Конституциямиз мазмунига чуқур сингдириш “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасини яратишнинг устувор вазифасига айлан-ди.

Конституциямиз йиллар давомида яшаётган давримиз, ислохотлар талаби ва халқимиз эҳтиёжидан келиб чиқиб таъкомиллаштириб борилди. Ҳозир эса Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазибалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шунингдек, ҳозир дунёда кечаётган глобал муаммолар ва кун сайин ўзгариб бораётган халқро ҳаёт мамлакатимизни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарор тараққиётни таъминлаш, таъшиқ сиёсатининг ҳуқуқий асосларини таъкомиллаштириш каби кенг қўламли масалалар борасида ечимини кечитириб бўлмайдиган, янги ва ўта муҳим ҳаётий вазибаларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистон — мақсади демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган принцип ва нормаларга асосланган, пировард мақсади халқ учун эркин, обод ҳамда фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатга айланди.

Қайд этиш керакки, ҳар қандай ислохот кучли конституциявий-ҳуқуқий асосга таянсагина, қўзланган эзгу мақсад ва улғувор вазибаларга, самарали натижаларга эришади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва дунё таърибасига назар ташланса, туб бурилиш даврида конституциявий ислохотлар амалга оширилгани ҳамда ислохотлар халқ томонидан қўллаб-қувватлангани ва халқнинг орзу-умидини рўёбга чиқаришга хизмат қилгандагина ортага қайтмас тус олишини кузатиш мумкин.

Янгиланаётган Конституция — чинакам халқ Конституцияси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “**Конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади**”.

Янгиланаётган Конституциямизнинг асосий муаллифни ва ижодкори том маънода Ўзбекистон халқи ҳисобланади. Ушбу ҳулоса қуйидагиларга асосланади:

Биринчидан, конституциявий ислохотларни амалга ошириш ғояси ва унинг давлат ва жамият ривожидagi аҳамияти илк мартабага айлан “**Янги Ўзбекистонга — Янгиланган Конституция лозим**”, деб билаётган аҳоли ҳамда сайловчилар томонидан тақлиф этилди.

Зеро, 2021 йилнинг октябр ойида Ўзбекистон Президентини сайлови жараёнида номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг ман-тикий давоми бўлган муҳим тақлиф —

ҚАТОР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ЭКСПЕРТЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЎТКАЗИШИ БОРАСИДАГИ ТЕГИШЛИ ТАВСИЯЛАРИ, БОШҚА ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТЕГИШЛИ ҲУЖАТЛАРИ, ДУНЁДА ЗАМОНАВИЙ КОНСТИТУЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ, ШУНИНГДЕК, “ХАЛҚ — ҚОНУНЛАРНИНГ ЯГОНА МАНБАИ ВА МУАЛЛИФИДИР” УСТУВОР ТАМОЙИЛИГА ТўЛА-ТўКИС РИОЯ ҚИЛИНГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН, ДЕБ ҲИСОБЛАМОҚДА. ШУ БИЛАН БИРГА, УШБУ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИ УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИгини ТАЪКИДЛАМОҚДА.

конституциявий ислохотни амалга ошириш масаласи кун тартибига кўйилди. Бу, бир томондан, Президентимизнинг Янги Ўзбекистон стратегияси доирасидаги демократик ислохотлар сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётгани, иккинчи томондан, сайловчилар мамлакатдаги туб ўзгаришлардан манфаатдор эканидан далолат беради.

Иккинчидан, халқ томонидан илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, тизимлаштириш, чуқур таҳлил этиш ҳамда мамлакат тараққиётининг ушбу босқичида Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс асосларини яратиш, жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятни тубдан таъкомиллаштириш мақсадида Президентимиз конституциявий ислохотларнинг устувор йўналишларини аниқлаб берди.

Учинчидан, конституциявий ислохотларни амалга ошириш ишларига бево-сита халқ томонидан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари бошчилик қилмоқда. Шунингдек, парламент томонидан шакллантирилган Конституциявий комиссия таркибига

халқро таъриба ўрганиб чиқилди, 193 мамлакат конституцияси, конституциявий ислохотлари тизимли равишда таҳлил этилди;

халқро ва хорижий таърибани чуқур таҳлил этиш ва ўрганишлар асо-сида “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар конституциялари”, “Жаҳон конституциялари”, “Консти-туциявий ислохотлар: дунё мамла-катлари таърибаси” (5 жилдлик) каби 10 дан зиёд асар яратилди. Улар асо-сида Конституциявий қонун лойиҳаси ва ислохотларга оид фикр-мулоҳазалар, тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фуқаролик жамияти институтлари тақлифлари, жумладан, “инсон шаъни ва қадрини улғулаш”, янги “инсон — жа-мият — давлат” парадигмасини ҳаётга изчил татбиқ этиш, халқчил, адолат-ли ва ижтимоий давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва макomini конституциявий мустаҳкамлаш, болалар, хотин-қиз-лар ва ногиронлиги бор шахслар эр-кинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, экологик

алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Матбуот хизмати оддий фуқаро учун содда ва тушунарли тилда конституциявий ислохотларнинг, Конституцияга киритилаётган янгилекларнинг фуқароларимиз учун нақадар аҳамиятли экани, устуворликла-ри ва асосий йўналишларини етказишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Аҳолига конституциявий қонун лойиҳасини кенг таништириш, оммавий ахборот восита-лари, интернет ва ижтимоий тармоқлар-да ҳар бир модданинг кенг жамоатчи-лик муҳокамасини ташкиллаштириш, фуқаролар фикрини ўрганиш, бу борада аҳоли қатламлари ва Конституциявий комиссия ўртасида мустаҳкам алоқалар-ни таъминлаш ишларида журналистлар ва блогерларнинг иштироки таъминлан-моқда.

Бунда Матбуот хизмати ўз фаолияти-ни иккита йўналишда олиб бормоқда:

Биринчидан, конституциявий ислохотларни ОАВ ва ижтимоий тар-моқларда ёритиш:

давлат ва нодавлат телеканаллар-да 13 минг 824 лавҳа, интервью, инфор-мацион ва махсус кўрсатувлар эфирга узатилди, радиоканалларда — 3730 инфорацион ва махсус эшиттиришлар ташкил қилинди;

Босма нашрларда 1303 мақола чоп этилган бўлса, интернет нашрла-рида 7122 та, “Telegram”, “Facebook”, “Instagram”, “YouTube” каби ижтимоий тармоқларда 49 минг 545 ахборот ма-териали эълон қилинди. Биргина ин-тернетда эълон қилинган ахборот ма-териаллари фойдаланувчилар томони-дан 245 миллион мартадан кўп қурил-ган ва 109 мингдан ортиқ изохлар қолдирилган.

Шунингдек, Матбуот хизматининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳи-фалари ва www.meningkonstitutsiyam.uz интернет порталига Комиссия фаолияти ҳамда конституциявий ислохотлар юза-сидан ахборотлар жойлаштирилмоқда. Шу кунгача жами 1000 дан ортиқ ахо-бот материалли (ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида) жойлаштирилди. Бу-гунги кунда ушбу порталдан фойдала-



шарҳларнинг 14 та сони тайёрланди ва кенг ёритилиши ташкил қилинди;

Барча мобил алоқа оператор-лари орқали фуқароларга ўз тақлифла-ри билан Конституциявий ислохотлар жараёнида фаол бўлишга қаратилган SMS-хабарномалар юборилиши ташкил қилинди. Мазкур “SMS”пар 30 миллион абонентга юборилди.

Конституциявий ислохотлар жараё-нида сиёсий партиялар сермахсул фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Таҳлилларга кўра, 5 та сиёсий партия томонидан 17 мингдан ортиқ тадбир ўтказилиб, уларда 657 минг фуқаро иштирок этган ва конституциявий қонун лойиҳасини янада таъкомиллаштириш, мамлакат-имиздаги демократик ислохотларни чуқур-лаштиришга қаратилган 24 мингдан зиёд тақлиф йиғилган.

Энг муҳими, муҳокамаларда “энг қийин”, “ноқулай”, аввал “ўта нозик”, деб аталган турли масалалар ҳам — бу иқти-содий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳага ёки экология, гуманитар ва бошқа соҳа-ларга тааллуқлими, ундан қатъий назар, ўртага ташланди, муҳокама марказига кўйилди. Жамиятдаги фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги, улар орасидаги рақобат яққол намоён этилди.

Сўзсиз, буларнинг барчаси ўзига хос демократик индикатор бўлиб, Ўзбеки-стоннинг янгиланаётган Конституцияси ҳақиқий халқ Конституцияси эканини таъминлашга ҳамда ҳар бир моддани аҳоли фикрини ибодатга олиб сайқал-лашга хизмат қилмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳаси — халқро ҳамжамият эътирофида

Конституциявий қонун лойиҳасини яратишда Бирлашган Миллатлар Та-шкилотининг конституциявий ислохот-ларни ўтказиш борасидаги, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғри-сида халқро пактда қайд этилган тав-сиялар, Европада ҳавфсизлик ва ҳам-корлик ташкилотининг “Янги Европа учун Париж хартияси”, Европа Итти-фоқининг “Асосий ҳуқуқлар бўйича Европа Иттифоқи хартияси”, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқро тузилмалар доирасида жамиятнинг бар-ча қатламлари вакиллари билан давлат ва жамият бошқаруви жараёнидаги жалб этиш бўйича қабул қилинган халқро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳи-да ҳисоба олинди.

Давлат ва нодавлат нотижорат ташки-лотлар, академик ҳамжамият, халқро ва хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорликда конституциявий ислохот ҳамда конституциявий қонун лойиҳаси-нинг турли янгилекларида бағишланган 100 дан ортиқ миллий ва 40 дан зиёд халқро форум, жумладан, хорижий мамлакатларда ҳам (АҚШ, Буюк Бри-тания, Корея, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония, Ҳин-дистон каби давлатлар) ўтказилди.

Уларда 500 дан зиёд халқро ва хо-рижий эксперт, парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшу-нослар иштирок этиб, Конституциявий қонун лойиҳаси ва ислохотлар борасида ўзларининг ижобий фикр-мулоҳазалари ҳамда амалий тавсияларини берди.

Биргина БМТнинг Нью-Йорк шаҳри-даги қароргоҳида Ўзбекистондаги кон-ституциявий ислохотларга бағишланган халқро давра суҳбатиди 40 дан ортиқ аъзо давлатнинг Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка минтақа-

ларидаги миссиялари доимий вакилла-ри ва экспертлари, шунингдек, БМТнинг турли тузилмалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон тарихидаги ноёб таъриба — конституциявий қонун умумхалқ муҳокамасидан ўтказилаётга-ни, конституциявий ислохотнинг милла-ти, дини, ёши, жинси, ижтимоий мавқеи-дан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг манфаатларига мос келиши, ислохот-нинг инклюзивлигини таъминлашга қара-тилган саъй-ҳаракатлар алоҳида эъти-роф этилди.

Хусусан, Озарбайжоннинг БМТдаги доимий вакили Я.Алиев ва Япониянинг БМТдаги миссияси эксперти Ш.Митсуа конституциявий қонун ижодкорлиги соҳа-сидаги илғор халқро таърибани чуқур ўрганиш бўйича Конституциявий комис-сия фаолиятини юқори баҳолади. У ре-ферендум орқали халқнинг қўллаб-қув-ватлаши билан конституциявий ислохот-лар муваффақиятли яқунлашишига қатъ-ий ишонч билдирди.

Германиянинг БМТдаги доимий вако-латхонаси маслаҳатчиси М.Колл Конс-титудияни янгилашда Ўзбекистон томо-нидан қўлланилаётган ёндашув ислохот-ларнинг инклюзив ва кенг камровилиги-ни таъминлаш, давлат олида турган вазибаларни самарали хал этишининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Мазкур халқро давра суҳбати ишти-рочилари — Янги Ўзбекистон Конститу-циясига киритилаётган ўзгаришлар БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича кун тар-тиби мақсадлари билан уйғун эканини алоҳида қайд этди.

Парламентлараро иттифоқнинг Бош котиби Мартин Чунгонг таъкидла-шича, БМТнинг Женевада (Швейцария) жойлашган штаб-квартирасида ташкил этилган “Конституциявий ислохотлар: инсон кадр-қиммати ва ҳуқуқларини таъминлаш” мавзусидаги давра суҳба-тида иштирок этган 30 дан ортиқ халқро ташкилот томонидан мамлакатимиз-даги конституциявий ислохотлар ижобий баҳоланган ва қўллаб-қувватланмоқда.

М.Чунгонг конституциявий ислохот-ларнинг устувор йўналишларидан бири аёллар ва қизларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ман-фаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш экани-га алоҳида эътибор қаратди. Консти-туциямизга тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклла-рига барҳам бериш тўғрисидаги конвен-цияси, Пекин декларацияси ва Харакат-ларни платформаси норма ҳамда тамойил-ларига тўлиқ мослигига урғу берди.

Таъкидлаш жоизки, муқтақил Ўзе-бекистон тарихида илк бор БМТнинг Ин-сон ҳуқуқлари бўйича олий комисса-ри бошқармасининг конституциявий қонун лойиҳасига расмий шарҳлари ва тақлифлари олинди.

Қатор халқро ташкилотлар ва экс-пертлар конституциявий қонуннинг ум-умхалқ муҳокамаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг конституциявий ислохот-ларни ўтказиш борасидаги тегишли тав-сиялари, бошқа халқро ва минтақавий ташкилотларнинг тегишли ҳужжатлари, дунёда замонавий конституциявий ри-вожланишнинг устувор тенденциялари, шунингдек, “Халқ — қонунларнинг яго-на манбаи ва муаллифидир” устувор тамойилига тўла-тўқис риоя қилинган ҳолда амалга оширилган, деб ҳисобла-моқда. Шу билан бирга, ушбу Конститу-циявий қонунни умумхалқ референду-ми асосида қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқда.



САМАРҚАНД РУҲИ

ЎЗБЕКИСТОН ШҲТГА РАИСЛИК
ЖАРАЁНИНИ МУНОСИБ ЯКУНЛАДИТошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг
Самарқанд саммити якунларига бағишланган халқаро анжуман хулосаси шундай бўлди

“ШҲТ Самарқанд саммити: минтақавий ва халқаро хавфсизлик, барқарор ривожланишга қўшилган ҳисса” мавзусида гибрид форматда ташкил этилган тадбир иштирокчилари саммит жаҳондаги энг муҳим сиёсий воқеалардан бири бўлгани, бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори қаратилгани, унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари минтақавий аҳамиятли ва ҳаётий долзарблиги билан доврўқ қозонгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти томонидан Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий Осиё халқаро институти, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ихроия кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ШҲТга аъзо мамлакатлар, шунингдек, кўплаб хорижий, жумладан, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Франция, Венгрия каби давлатлар тахлилий марказларининг 30 дан зиёд вакили иштирок этди.

Самарқанд саммити нафақат ШҲТ учрашуви ўтказиладиган жойга, балки давлатлар етакчилари ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг икки ва уч томонлама музокаралари майдонига айланиши билан ҳам тарихий қимматга эга бўлди.

Экспертлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббуси ўзгараётган дунё руҳига

ижобий таъсир кўрсатиши билан тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Самарқанд саммити ШҲТ ўзининг асосий тамойиллари — блокларга қўшилмаслик мақоми, учинчи томонга қарши ҳаракат қилмаслик, ўзаро ҳурмат, муроСага қатъий содиқлигини яна бир бор намоиш этди. Бу тамойиллар ШҲТнинг муваффақиятли ривожланиши, ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи ва жозибадорлигини оширишнинг муҳим кафолати ва шартидир. — деди Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов.

Тадбир иштирокчилари Самарқанд саммити кутилганидан ҳам аъло даражада ўтиб, билдирилган ишончни тўла-тўқис оқлагани, мисли қўрилмаган даражада кенг кўламли ишлар амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон ташкилотга раислик жараёнини муносиб якунланганини бир овоздан эътироф этди. Дарҳақиқат, Самарқанд саммити бутун дунё ҳамжамияти эътиборини ўзига

қаратиб, энг муҳим сиёсий воқеалардан бири сифатида тарихга кирди.

Бу ҳақда сўз борганида “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битим имзоланганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Экспертлар мазкур лойиҳа тўғрисидаги қарор қабул қилинишига 20 йил вақт

кетгани, йўл Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини ошириш ва минтақа инфра-тузилмасини ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эгаллигини таъкидламоқда.

Самарқанд саммитида ШҲТ тарихида илк бор 14 та давлат етакчиси ва 10 та халқаро ташкилот раҳбари иштирок этди. Анжуман қатнашчилари фикрича,

бундай вакиллик таркиби Янги Ўзбекистоннинг юксак нуфуздан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳамкор давлатлар раҳбарлари билан ўрнатилган ишончли муносабатларидан далолат беради.

Саммит халқаро муносабатлар тизими ишончини тиклашга муҳим ҳисса қўшиб, мулоқот ва ўзаро англашувга асос-

ланган давлатлараро ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги босқичи бошланиши нуқтаси ҳам бўлди.

Қайд этилишича, анжуманнинг юртимизда ўтказилгани бутун дунё бўйлаб Ўзбекистоннинг ўзига хос ижобий имижини шакллантириш, мамлакатимизга халқаро ҳамкорликнинг янги, юқори даражасига кўтарилиш имконини берди.

Самарқанд саммити халқаро муносабатлар тизимида ўзаро ишончни тиклашга муҳим ҳисса қўшди. Самиий мулоқотга, давлатлараро ва кўп томонлама ҳамжиҳатликка асосланган ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаш учун асос замин яратди. Бу саммитнинг асосий ҳужжати — Самарқанд декларациясида ўз аксини топди. Декларацияда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва изчил иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ўзаро транпорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни фаоллаштириш каби ёндашувлар кўлаб-қувватланган.

Халқаро анжуман хулосасида Самарқанд саммити келгуси цивилизациялар мулоқотининг янги форматига асос солгани, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини яратишга хизмат қилгани яна бир бор эътироф этилди.

Улуғбек АСҚОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МУНОСАБАТ

Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан транспорт соҳасига боғлиқ. Чунки транспорт инфратузилмаси қанчалик ривожланса, мамлакат иқтисодиётига шунча фойда. Бу орқали ташиш ва савдо имкониятлари ошади. Давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар мустаҳкамланади. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳадаги ислохотлар шахсан давлатимиз раҳбари эътиборида. Жумладан, Президентимиз томонидан транспорт соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришга бағишланган йиғилишда ҳам ушбу масалалар муҳокама этилди. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва рақамлаштириш бугунги куннинг муҳим вазифалари эканлиги қайд этилди.

ЯГОНА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ
СТРАТЕГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Илҳом МАҲКАМОВ,
транспорт вазири

Йиғилишда қайд этилганидек, соҳада амалга оширилаётган ишлар туфайли мубайян ўзгаришлар кузатишмоқда. Лекин ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам кам эмас. Масалан, охириг уч йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 16 фоиз ўсган. Лекин темир йўлда юк айланмаси атиги 7 фоиз ошган. Авиация йўналишида рақобат муҳити тўлиқ шаклланимаган, айрим аэропортлардан самарали фойдаланилмапти.

Транспорт вазирлиги Ўзбекистонда янги институт. Шундай бўлса-да, соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор лойиҳалар рўйбга чиқарилмоқда. Халқаро доирада келишувларга эришилмоқда. Бунга мисол сифатида ШҲТ Самарқанд саммити доирасида “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама битим имзоланганини келтириш мумкин. Мазкур келишув минтақанинг глобал иқтисодий тармоқлари, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлайди. Шу билан бирга, у мамлакатлар ўртасида ягона транспорт тармоғини яратди. Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини янада ошириб, савдо географиясини кенгайтиради.

Саммит доирасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги билан Эрон Исломи Республикаси Йўллар ва шаҳарсозликни ривожлантириш вазирлиги ўртасида “Чобаҳор” порти орқали халқаро ташишлар ва транзитни амалга ошириш тўғрисида Англашув меморандуми

имзолангани ҳам соҳадаги муҳим натижалардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси туфайли янги суръатлар билан ривожланаётган иқтисодий алоқалар кенгайишида Покистон Исломи Республикаси билан транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, жорий йилнинг 26-27 март кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси, Афғонистон ва Покистон Исломи Республикасининг йирик транспорт-логистика компаниялари, Халқаро автомобиль ташувчилари уюшмаси ҳамда транспорт ва божхона идоралари вакиллари иштирокида транспорт масалалари бўйича уч томонлама ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон давлатлари худуди бўйлаб автомобиль транспортида халқаро юк ташувлари жараёнида юзага келаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган эди. Уч томонлама савб-ҳаракатлар натижа-сида бугун ушбу транспорт коридорининг тўлақонли фаолият юритиши, юкларнинг қисқа фурсатларда, хавфсиз манзилга етказилиши таъминланмоқда. Бунинг натижа-си ўлароқ Ўзбекистонлик ҳайдовчилар илк мартабада Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон йўналиши бўйлаб юк ташувларини муваффақиятли равишда бажарди.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, юк ташишининг ўсиш суръати “Покистон — Афғонистон — Ўзбекистон” йўналишида сезиларли даражада ортиб бормоқда. Фақатгина 2022 йилнинг биринчи ярмида ушбу йўналиш бўйлаб ташилган юклар ҳажми 2,6 баробарга ошиб, 330 минг тоннани ташкил этди.

Шунингдек, жорий йилнинг 11 сентябрь кунли Ўзбекистон, Афғонистон, Қирғизистон ҳамда Хитой халқаро логистика компаниялари иштирокида Хитойдан Афғонистонга юк етказиб беришни жадаллаштиришни кўзда тутувчи мультимодаль транспорт коридорини ва иштирокчи давлатларнинг логистика инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида тўрт томонлама учрашув бўлиб ўтди.

Томонлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, “Қашғар — Ўш — Андижон — Ғалаба — Хайратон” янги мультимодаль коридори орқали 12 донга 40 фути контейнерларда илк юк ташувлари амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва ташқи савдо ҳажмини оширишда халқаро бозорларга чиқиш учун логистика муаммоларини

муваффақиятли ҳал этиш муҳим омил саналади. Хусусан, денгиз портларига чиқиш ҳамда бу йўналишда кулай транспорт коридорларини яратиш Ўзбекистон учун стратегик вазифа.

Йиғилишда темир йўл имкониятини янада ошириш, авиацияни қўлай ва тезкор хизмат кўрсатувчи тармоққа айлантириш, халқаро транзит юклари учун замонавий автомобиль тармоғини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Иқтисодиёт талаби нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг туристик имконияти, янги ишлаб чиқаришлар пайдо бўлишини инobatта олиб, транспорт соҳаси талабларга қанчалик жавоб бераётгани муҳокама қилинди. Шулардан келиб чиқиб, вазирлигимиз қўшида хорижий маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда “лоиҳа офиси” ташкил қилинади. Ягона транспорт тизимида оид стратегия ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, яқинда Ўзбекистоннинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш мақсадида Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда халқаро конференция ўтказилди. Унда 15 дан ортиқ давлатларнинг халқаро автомобиль ташувчилари уюшмаси раҳбарлари ва экспертлари, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури, Туркий давлатлар ташкилоти сингари халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Мазкур тадбир ҳам бугунги давр эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этилди. Нега деганда, пандемиядан кейинги даврда халқаро вазиятнинг тез ўзгариши, геосиёсий кескинликнинг кучайиши, транспорт соҳасини такомиллаштириш, юкларни ташишининг ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш бўйича комплекс ишларни амалга оширишни тақозо этипти. Яъни ҳозирги мураккаб ва ташувлар занжирининг бўзилиши кузатилаётган шароитда транспорт ва логистика масаласи алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Рақамларга кўра, ўтган йили мамлакатимиз темир йўл, ҳаво, автомобиль транспортларида 1,45 миллиард тонна юк ташилган. Барча транспорт орқали ўз манзилга етказиб қўйилган йўловчилар сони эса 5,8 миллиард кишини ташкил этган. Икки йўналишда ҳам аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ўсиш кузатилагани қувонарли ҳол, албатта. Лекин ҳали қилинадиган ишларимиз ҳам талайгина. Президентимиз томонидан ўтказилган йиғилишда келгуси режалар қўриб чиқилиб, қилинажак ишлар аниқ белгилаб олинди. Булар юқорида айтиб ўтилган лойиҳа ва келишувларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ЧУҚУР БИЛИМГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ
фаолиятимиз мезонига айланиши учун
ҳамма имконият мавжуд

Бутун Ўзбекистонда бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Гувоҳи бўлаётганимиздек, хорижий қурилиш компаниялари билан ҳамкорликда замонавий бинолар қад ростламоқда. Қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг етакчи драйвер тармоқларидан бирига айланди, десак адашмаймиз.



Чидем Жанбай ТУРКЙИЛМАЗ,
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори

Шу билан бирга, архитектура-қурилиш соҳасидаги етакчи олийгоҳларнинг кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув дастурларини ислох қилиш ва таълим сифатини халқаро даражага олиб чиқиш чора-тадбирларини кўриш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақдирот ўтказилгани айтиш мумкин бўлади.

Давлат раҳбари архитектура-қурилиш соҳаси етакчи йўналишлардан бирига айланаётган айтиш паллада таълим ва илм бундан анча ортира қолаётганини, институтлардаги ўқув дастурлари эскиргани, ўқитиладиган фанлар сони чет элдан ҳам кўплиги, аммо сифат даражаси қониқарли даражада эмаслигини таъкидлади. Шунингдек, таълим жараёнида амалиётчи мутахассислар етарли даражада жалб этилмаётгани, замонавий фикрлайдиган муҳандис-конструкторлар етишмовчилиги тўғрисида алоҳида тўхталиди.

Шу йилнинг 6 июль кунли ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айнан шу масалага алоҳида урғу берилиб, соҳадаги олий таълим муассасаларини трансформация қилиш зарурлиги таъкидланган эди.

Энди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети деб қайта номланади. Бу бўйича давлат раҳбарининг қарори лойиҳаси ҳам тайёрланмоқда. Албатта, университет мақомига эга бўлиш ўз-ўзидан олий таълим муассасамиз жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди.

Энг аввало, олий ўқув юртимизда таълим сифатини жаҳон талабларига мос равишда кўтаришимиз зарур. Бунинг учун кадрлар салоҳиятини оширишдан тортиб, ёшларнинг замонавий услублар асосида таълим олишига бўлган масалаларни ҳал этишимиз лозим.

Шу ўринда айтиш жоиз, Самарқанд қадимдан фан ва маданият ўчоғи бўлган. Бунинг амалий ифодасини қадимий шаҳарда қурилган меъморий обидаларда ҳам кўриш мумкин. Айнан Самарқанд фан ва маданиятлар чорраҳасида жойлашган. Муассасамизнинг халқаро нуфузини ошириш, яъни жаҳон миқёсидаги етакчи олий таълим даргоҳи бўлишини таъминлашни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Талабаларга чуқур билим бериш, иқтисодиёт учун зарур мутахассисларни тайёрлашни энг муҳим вазифамиз деб белгилаб олдик.

Янги авлод университетида келажакда архитектура ва қурилиш соҳасига эътибор кучайтирилади. Фанлараро истиқбол, академик, ташкилий бошқарув ва молиявий мустақилликка эришилади. Бу эса ўз-ўзидан таълим ва илмий-тадқиқот учун юқори ва сифатли, кенг кўламли янги фаол университет муҳитини яратди. Фаол муҳитни яратишда ўқув жараёнида хорижий тажрибалар кенг татбиқ этилади. Шунингдек, нуфузли қурилиш ва лойиҳалаш компаниялари билан ҳамкорликда амалиёт дастурлари ишлаб чиқилади.

Тақдиротда Тошкент ҳамда Самарқанддаги архитектура-қурилиш институтларига хорижий тажрибали мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, маҳаллий профессор-ўқитувчиларни чет элга илмий стажировкага юбориш муҳимлиги қайд этилди. Бу борада Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Туркиянинг Йилдиз техника университети билан таълим ҳамкорлигини йўлга қўяди.

Кези келганда айтиш жоиз, шу йилнинг январь ойда Туркиянинг қатор университети билан ҳамкорлик шартномаларини имзолади. Хусусан, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти билан Истанбул култур университети, Туркиянинг Мимар Синан таъсирий санъат университети, Фотиҳ Султон Мехмет университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви тўғрисида шартномалар тузилди. Ушбу янги шартномалардан ташқари, Россия, Беларусь, Қозғоғистон, Тожикистон, Озарбайжон, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Германия, Австрия, Венгрия, Польша, Португалия каби давлатларнинг олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича келишувларга эришганмиз.

Тақдиротда Президент Шавкат Мирзиёев архитектура-қурилиш йўналиши бўйича таълим сифатини оширишда бизни ҳар томонлама кўлаб-қувватлашни маълум қилди. Ёшлар ўз соҳасининг ҳақиқий эгалари бўлиши муҳимлигини яна бир бор эслатди. Келажак авлод истиқболи йўлида берилган ушбу кўрсатмалар бизга янада куч-ғайрат, қатъий ишонч бағишлаши билан бирга, зиммामизга юккан масъулият ва вазифалар зағварини ҳам юклайди. Бугун олдимизда турган режалар катта, бу ўзгаришларни бир ёки икки киши бўлиб эмас, бутун жамоа биргаликда амалга оширсанига натижа аъло бўлади.

Шу жиҳатдан тақдиротда жаноб Президент бизга жуда катта мотивация берди. Биз ҳам, ўз навбатида, Янги Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотларда иштирок этаётганимиздан фароландик. Қолаверса, бу жараёнда ўз билимимизга ва хорижий тажрибаларга таянган ҳолда талабаларни юксак салоҳиятли кадрлар қилиб тайёрлашга ҳисса қўшамиз ҳамда бу йўлда астойдил хизмат қиламиз.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ҚАТЪИЙ МАҚСАД — МУВАФФАҚИЯТ САРИ ҚЎЙИЛГАН ИЛК ҚАДАМ

Таълим барча соҳалар, барча йўналишлар асоси саналади. Шу боис, дастлабки билим ва кўникмаларнинг пухталиги нафақат ҳар бир инсон, балки мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим пойдевордир. Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг асоси ҳам миллат фарзандларининг тўлақонли билим олишига қаратилган. Бугун ўқитувчиларга кераксиз қоғозбозликлардан воз кечиб, дарсга тайёргарлик кўриши, ўз устида ишлаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу шароитдан унумли фойдаланаётган педагоглар фаолияти ўқувчилар эришаётган ютуқларда, жумладан, олий таълим муассасаларига киришида намоён бўлаётир.

Ўз касбини севган ўқитувчини ўқувчилар сезади

Бугун пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 6-давлат ихтисослашган умумтаълим мактаби жамоасига юртимиздаги кўплаб мактаблар, педагоглар ҳавас билан қарамокда. Чунки ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига қабул қилиниши бўйича мазкур мактаб Тошкент шаҳридагина эмас, республика-мизда ҳам етакчи ўринларда туради.

Янги ўқув йилида бу ерда таҳсил олган ўқувчиларнинг 90 фоизи талабалikka қабул қилинди. Бундан ташқари, кўплаб ўқувчилар билим олиш мақсадида хорижийнинг нуфузли олий таълим масканларига жўнаб кетди. Халқаро университетларнинг Ўзбекистондаги филиалига қабул қилинган ўқувчилар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Хўш, бугун барча таълим муассасаларига тенг шароит ва имконият яратилаётган бир даврда бу мактаб ўқувчиларининг юқори натижа қайд этиши сири нимада?

Дилором Эшмаматова, мактаб директори:

— Педагог — “бола етакловчи” дегани. Ўқитувчи нафақат ўқувчи, балки ёш ҳамкасбларига ҳам йўлбошловчи саналади. Билими ва тажрибаси орқали уларнинг ҳаётида муҳим инсонга айланади. Ҳар чорак ёки ўқув йили якунида тажрибали устозлар орасидан энг сараларини ўзимиз ишлаб чиққан мезонларга қўра танлаб олиб, ёш мутахассислар билан ишлаш учун йўналтирамиз. Деярли ҳар ўқув йили бошида ёш мутахассисларни жамоамизга ишга қабул қиламиз. Уларга тажрибали ўқитувчилар бириктирилади. Дейлик, олий таълимдан мактабга келган ёш ўқитувчида 80 фоиз билим ва малака



бўлади, қолган 20 фоизини мактаб тўлдирди. Ёш педагог, аввало, ўз устида ишлайди, қолаверса, устоз педагогларнинг маҳорат дарсларида қархланади. Бир ўқув йили давомида ёш ўқитувчилар ҳам анча-мунча тахрибага эга бўлади. Соғлом рақобатга киришади. Ингилишларда эришган ютуқларимиздан қўра, фаолиятимиз давомида йўл қўйган ва қўяётган камчиликларимизга кўзгу тутамиз.

Ўз касбини севган педагог фаннинг ҳар бир нуқтасигача қизиқади. Бунчи ўқувчи сезмайди, деб уйлайсизми? Ўғил-қизларимиз бундай ўқитувчиларнинг дарсини интиқ кутади. Ўқитувчи йиллар давомида фақат ўрганади. Урганганини амалиётда ўқувчилар билан баҳаради. Шу ўринда айтишим лозим бўлган яна бир жиҳат бор. Айни пайтда 10 га яқин ўқитувчимиз Республика таълим маркази томонидан чоп этилаётган янги авлод дарсликлари ҳаммуаллифи ва тақризчи-ни сифатида ҳам билимини, тажрибасини кўрсатмоқда. Биология, кимё, физика, математика, она тили, адабиёт, тарих, ҳуқуқ фанлари дарсликларида бизнинг

устозларнинг борлиги, албатта, ўқувчиларимизни, уларнинг ота-оналарини қувонтиради.

Янги авлод дарсликларининг тажриба-синов даврида ўқувчиларимиз фаол қатнашди. Ҳар бир мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиб берди. Қўлайлиги нимада, қайси жиҳатларга тушунмади ёки тушунишда қийинчилик бўлди, барчасини тақдим қилдик. Режа ва тартиб бўлса, ҳаётда ҳамма нарсага эришасиз. Ўқувчиларга вақтида мактабга келиши, дарсларда ўзини кўрсатиши кераклигини ўқтирамиз, янгиллик яратишга қизиқиши бўлса, ўқитувчига ёки менга келиб билдириши лозимлигини айтмамиз. Илгари ўқувчилар мактаб раҳбариятининг олдига киришга кўрққан, ҳадиксирган. Шукри, бугунги шароит ва имконлар бу тўсиқни ўртадан кўтарди. Ўқувчилар дадил, бирор фан бўйича танқиди ёки тақлифи бўлса, дарҳол билдиради. Ота-оналаримиз ҳам бизни кўплаб-қувватлайди, ёрдам керак бўлса, сўрайди.

Янги ўқув йилини хушхабарлар билан бошладик. 196 битирувчимиз Ўзбекистон

олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Натижа ёмон эмас, бироқ талабалikka қабул қилинмаган ўқувчиларимизнинг тақдирини ҳам бизни ўйлантиради. Бу ўқув йилида мақсадни янада қатъий қўйдик. Аслида, муваффақият сари илк одимимизни ана шу мақсаддан бошладик.

6-мактабда ҳам бу анъана яхши йўлга қўйилган. Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур университетларнинг профессор-ўқитувчилари келиб мактаб ўқувчиларига, шунингдек, ўқитувчиларига дарс ўтиб беради, учрашувлар ташкил этилмоқда. Натижада академик билим ҳақида ўқувчиларда дастлабки тушунчалар шаклланипти. Аксарият ўқувчилар ўша таълим масканларида ўқиш истагини билдираётир.

Олий тоифали биология фани ўқитувчиси Муаттар Бўронбоева раҳбарлик қилган 32 ўқувчининг 29 нафари

бугун турли олий таълим даргоҳларида 1-курс талабаси. Тажрибали педагогнинг таъкидлашича, 15 ўқувчида IELTS сертификати бўлган.

— Бугун замон ўзгарган, одамларнинг тафаккури ҳам янгиланиб бормоқда. Қўчқина янгилик кечаги кун ўқувчисини ҳайратлантирган бўлса, бугун оламшумул воқеликлар ҳам болаларни ҳайратлантирмай қўйди. Чунки уларнинг ўзи ҳам янгилик яратмоқда. Ҳали мактаб партасида ўтириб, олий таълим ёки

масъул”, деган фикр ўсиш жараёнига тушоувди. Ўқитувчининг тўрт йиллик меҳнати самараси кўриниши учун юқори синф раҳбари ва фан ўқитувчилари доимий ҳамкорликда ишлайди.

“Устозларимнинг ишончини оқлаганимдан мамнунман”

6-давлат ихтисослашган умумтаълим мактаби битирувчиси Алишер Равшанов



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

ундан кейин бажариладиган амалиётларнинг уddасидан чиқаяпти, — дейди Муаттар опа. — Жамоамиз билан бирлашиб, замонавий ўқувчи билан ишлаш учун ҳаракат қилаямиз. Ишларимизни босқичма-босқич тахлил қилиб борамиз. Қайси ўқитувчида янгича тажриба тўпланса, дарҳол жамоа билан бўлишади. “Бу менинг услубим, фақат мен фойдаланишим керак”, деган тушунча мақсадга элтимаслигини биламиз. Билимдон ўқувчи педагоглар ҳамкорлигининг махсули саналади. Ҳар бир ўғил-қизнинг тақдирини ўқувчи кетган ўқувчиларимизнинг ҳам мактабдан кўнглил узиб кета олмаслиги сабаби ҳам жамоанинг аҳилигидега бўлса керак, деб уйлайман.

Бошланғич синф ўқитувчиси Шоҳиста Қўрбонovanнинг таъкидлашича, ўқувчилар 4-синфни битириб, юқори синфга ўтгач, “Бўлди, улар энди юқори синф ўқувчилари, уларга бошқа ўқитувчи

янги ўқув йилини Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро иқтисодиёт ва менежмент факультетида бошлади. У давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинди.

— Мактабимизда устозлар бизга нафақат билим, балки ҳаётини сабоқ ва тарбия ҳам берди, — дейди А.Равшанов. — Вақти келганда, рағбатлантирди, ҳаракатга ундади. 5-синфдан бошлаб математика фанидан ўтказиладиган олимпиадаларда фаол қатнашгандим. Бундан ташқари, инглиз тилини пухта ўрганишга киришгандим. Натижалардан ўқитувчиларим хурсанд бўлди. Бугун уларнинг ишончини оқлаганимдан мамнунман. Айни пайтда ахборот технологиялари йўналишини ўрганиман. Мақсадим — келажакда етуқ кадр бўлиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшиш.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ ЧАРОҒБОНИ

Инсон олим бўлиб дунёга келмайди. Само сирларини очган олимнинг улуг кашфиётлар сари илк қадами ҳам мурғаклигида дафтарнинг биринчи саҳифасига қалтироқ қўл билан ёзилган “1” рақамидан, дунёга шоҳ асарларини тақдим этган шоир шаронинг камолоти эса оддийгина “А” ҳарфининг ўзига унча ўхшамаган суратидан бошланади.

Муҳаммадамин НАСРИЕВ, Кўкалдош ўрта махсус ислом таълим муассасаси мудири

Ҳа, айнан шундай. Зеро, устозлар ҳеч қачон иккиланмай ўқувчиларининг ҳажжигина кўларидан тўтиб, ҳар бир ҳарфни, ҳар бир рақамни ёзишга ўргатади. Қўлолмаган ишларимиздан биз бир бор ҳам чексак, устозларимиз ун қарра кўнрақ алам ютади. Муаллимлар асли шундай, улар башари-ятни доимо эзгуликка, ҳақиқатга, маърифату маънавиятга чорловчи сарбонлар, билимлар олами-нинг ҳақли эгаларидир.

Устоз ўз илм зиёси билан гўё оламларни нурга тўлдирган қуёш мисолидир. Ҳамма замонларда ҳам маърифатли инсонлар, муаллиму мураббийлар қадрланган. Хусусан, муқаддас динимиз таълимотида ҳам олим фозиллар, маърифат фидойилари, илм эгалари эъзозланган.

Ҳа, ислом илм ва ирфон динидир. У ўрганишга, ўргатишга ва тадқиқ этишга ундайди. Динимизда муаллимлар энг юксак макомдаги кишилардандир. Ҳазрат Навоий: “Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат қаробонидир”, — деган. Устозлик асли халқимизнинг қонида бор. Илмий ва адабий мерослари асрлар оша етиб келган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Бериуний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари улуг сиймолар фан ва маданиятнинг ёрқин юлдузларига айланиши ҳам ўша замонлардаги устозларнинг мевасидир.

Бурҳониддин Зарнужийнинг “Таълимул мутааллим фи торикил тааллум” асари мусулмон дунёсида катта шухрат қозонган. Олимларнинг таъкидлашича, ислом тарихида ёзилган таълим-тарбияга



ундаги масалалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XII аср ўрталарида Бухорода бўлиб ўтган бир эҳтиром намунаси бизгача ибратли ривоят тарзида етиб келган. Ушбу шаҳар қадимдан олим фозилларга бешик бўлган. Илмий мунозаралар, маърифий мажлислар ушбу даврда ҳам Бухоро ижтимоий ҳаётида одатий ҳол эди. Ривоятларга қараганда, ана шундай мажлисларнинг бирида маъруза ўқиётган аллома дераза томонга кўз ташлар экан-у, аҳён-аҳён ўрнидан турар, сўнг яна ўтириб, дарсини давом эттираркан. Шунда толиби илмлар устозининг ҳаракатидан таажжубга тушиб, бунинг сабабини сўраганларида, олим: “Биласизми, сизларга дарс ўтаётим, мадрасанинг деразасидан қарасам, ҳовлида бир гуруҳ болалар ўйнаб юрган экан. Уларнинг ичиди менга ёшлигимдан илм

сирларини ўргатган, тўғри йўлни англашимда меҳнати синган устозимнинг набираси ҳам борлигини кўриб қолдим. Илмни улуғлашнинг талабларидан бири уни сенга ўргатган кишини — устозинини ардоқлаш, ҳатто унинг авлодларига ҳам ҳурмат кўрсатишдан иборат. Шу сабабли устозимнинг набираси дераза олдига яқинлашганда устозимнинг ҳурмати юзасидан ўрнимдан турдим”, — дея бўлган ҳолатнинг сабабини тушунтириб берибди.

Ҳа, бу халқимизнинг қон-қонига синган устоз-шогирдлик муносабатининг кичик бир кўриниши, ота-боболаримиз ўз муаллимларига чексиз эҳтирорда бўлганининг ёрқин исботи. Бугунги кунда бу ибрат ҳар бир фарзанд ва ота-она, ҳар бир устоз учун қанчалик зарур эканини яхши англаймиз.

Илм-фани, таълим ва тарбия — тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллиятни буюк қиладиган куч. Бочга тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлилар бугун биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устунини деб эътироф этилади.

Инсон қалбига йўл, аввало, таълим-тарбиядан бошланади, дейди буюклар. Шу сабабли ҳам қачонки бу ҳақда гап кетса, муътабар ота-оналаримиз ҳамда ўқитувчи ва мураббийларимизнинг олжаноҳ меҳнатларини ҳурмат билан тилга оламиз. Айниқса, бугуннинг ислохотлари ўлароқ, айни пайтда азиз устозларимиз янада қадрланиб, ҳурмату эъзоз топпоқдалар.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, фарзанд туғилганидан бошлаб, камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама кўплаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуқсиз таълим тизими яратилмоқда. Ўқитувчи-мураббийларнинг доим изланиб, янгиликка интилиб яшаётгани, илгор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани соҳадаги ислохотлар жараёнида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти ўзгарганидан дарак.

Ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами ва дам олиш кунини сифатида нишонлаб келинади. Бу эса устоз ва мураббийларга чўқур эҳтиром ҳамда эътибордан дарак беради. Зеро, инсон умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, мактабда, ўқув юртида шу каби жонқуяр устозларидан олган таълим-тарбияси унинг етуқ шахс ва етатишда мутахассис бўлиб етилишига улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз. Уларга нисбатан ҳамisha миннатдорлик туйғуси билан яшаш, уларни мудом ардоқлаш бизнинг бурчимиз.

Дунёда муаллим бўлмаса агар, Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар,

деб ёзган эди Абдураҳмон Жомий. Дарҳақиқат, умрининг энг тоғли дамларини илмга ташна ўқувчилари учун бахшида қилган, ҳар қалбга маърифат уруғини сочган инсондан-да буюкроқ зот бўлиши мумкинми?!

Бугунги шиддатли замон олдимизга мураккаб вазифаларни қўймоқда. Уларни ҳал этиш ва эзгу мақсадларимизга эришиш, дунё микёсида рақобатбардош бўлиш учун халқимизни, авваламбор, ёшларимизни илм-фан, маънавият, маърифат ютуқлари билан қуроллантиришимиз керак.

Оламини илм билан беаган, маърифат билан англаган, қалб кўзлари ила кўрган азиз муаллимлар ўз шогирдларини ҳам ана шу йўлдан етаклайдилар, мана шу гўзалликлардан баҳраманд этадилар. Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўраймизки, қадри буюк, номи улуг устозларимиз доимо соғомон бўлишсин. Уларнинг машаққатли ва масъулиятли касблари, заварли меҳнатларидан уфуриб турган эзгулик зиёси биз ёшларга ҳам ҳамisha ҳамроҳ бўлсин.



АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИ

“ДЕЯРЛИ ҲАМ ҲАМ ЭТГАН МУСОФИРЛИКДАН КЕЙИН АБУ РАЙХОН ГУРГАНЖГА ҚАЙТИБ, БУ ЕРДА ҲУКМДОР АБУЛ АББОС МАЪМУН ИБН МАЪМУН II ТУЗГАН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛДИ. БУ ЕРДА ЎША ЗАМОННИНГ ЙИГИРМИГА ЯҚИН АЛЛОМАЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН, БЕРУНИЙНИНГ БУЮК ЗАМОНДОШИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ИЛМ СИРЛАРИНИ ОЧИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИ. “МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ”НИНГ ФАОЛИЯТИ АВЖ ПАЛЛАГА КИРГАН ПАЙТДА МАҲМУД ҒАЗНАВИЙ 1017 ЙИЛИ ХОРАЗМИНИ БОСИБ ОЛИБ, ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ОЛИМЛАР, ЖУМЛАДАН, БЕРУНИЙНИ ҒАЗНАГА ОЛИБ КЕТДИ. У ШАҲАРДА 31 ЙИЛ ЯШАГАН БЕРУНИЙ 1048 ЙИЛНИНГ 11 ДЕКАБРИДА ОЛАМДАН ЎТАДИ.



Янгибой ҚҶҚОРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Учинчи Ренессансга дадил қадам қўётган Янги Ўзбекистон ана шу буюк мутафаккирларнинг оламшумул меросидан оқилона фойдаланиб, ўз тараққиётининг ойдин манзиллари сари қадам ташламоқда. Президентимизнинг шу йил 25 августдаги “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги тарихий қарори бунинг ёрқин далилидир. Алломанинг муборақ маъракаси ЮНЕСКО шафелигида ўтиши белгилаб қўйилгани эса мустиқл мамлакатимизнинг жаҳондаги ўрни, сиёсий обрўси ошиб, иқтисодий барқарорлашиб бораётганини тасдиқлади.

Биринчи Ренессанснинг бекиёс интеллектуал қудратга эга бўлган бунёдкорларидан бири, академик фанининг ўттиздан ортиқ соҳаси бўйича фундаментал асарлар яратган Абу Райхон Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида хоразмшоҳлар пойтахти Кот шаҳрида туғилган. Хоразм ҳукмдорларининг даврида Кот замини низоъда гуллаб-яшнаган. “Худуд ул-олам” китобининг муаллифи уни дунё жаннати деб атаган эди.

Аммо Беруний қизғин илмий фаолиятга киришган кезлари Котта Урганч амираи Маъмун ибн Муҳаммад ҳужум қилиб, худудни ўз тасарруфига олади, сўнгги африйгй подшоҳ Абу Абдулло Муҳаммад ва зурриёдларини шафқатсиз равишда қатл эттирди. 22 шаар олим Котдан Эрон шимолидаги Рай шаҳрига бориб, ўта машаққатли ҳаёт кечириб, мажбур бўлади. Кейин зиёрийлар сулоласи пойтахти Журжонга қўчиди. Бу ерда ўзининг дастлабки “Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-халия”, яъни “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини ёзиб тугатади.

Деярли ўн йил давом этган мусофирликдан кейин Абу Райхон Гурганжга қайтиб, бу ерда ҳукмдор Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун II тузган фанлар академиясига раҳбарлик қилди. Бу ерда ўша замоннинг йигирмига яқин алломалари, шу жумладан, Берунийнинг буюк замондоши Абу Али Ибн Сино илм сирларини очиб билан шуғулланди. “Маъмун академияси”нинг фаолияти авж паллага кирган пайтда Маъмуд Ғазнавий 1017 йили Хоразмни босиб олиб, энг иқтидорли олимлар, жумладан, Берунийни Ғазнага олиб кетди. У шаҳарда 31 йил яшаган Беруний 1048 йилнинг 11 декабрида оламдан ўтади.

Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизчага фақат 31 таси етиб келган, холос. Аллома қўлзмаларининг ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серкирра мерос қолдирганидан далолат беради. Беруний дунё илм-фанига биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни тақлиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди. Колумб сەъяхатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бўтун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари

Буюк алломалар, даҳо мутафаккирлар ўзларига Аллоҳ томонидан берилган тенгсиз тафаккур қудрати билан яқка ҳолда бўй тикламайди. Улар худди ёруғ юлдузлар шодаси каби туркум-туркум бўлиб мунаввар нурларини сочади, ноёб билим ва тажрибалари билан бир-бирининг бисотларини тўлдиради. Муқаддас Мовароуннахр заминидан ўрта асрлар Шарқ Ренессансининг улуг бунёдкорлари сифатида етишиб чиққан Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино қолдирган бекиёс илм худди шу йўсинда жаҳон фанининг фундаментал меросига айланди. Бу беш буюк мутафаккир барча замонлар учун қадрли бўлган илмий кашфиётлари билан башариятнинг Афлотун, Арасту, Архимед, Геродот, Галилей, Коперник, Ньютон, Пифагор, Эйнштейн каби буюк алломалари қаторида туради.

томонидан “Беруний асри” деб аталди. Бу олимнинг башарият олдидаги бекиёс хизматиغا Берилган юксак баҳоидир.

Ҳақиқатан ҳам, Абу Райхон Беруний ўрта асрнинг энг буюк даҳо алломаларидан бири сифатида ўз замонасининг барча муҳим фанлари, энг аввало, астрономия, космогония, физика, кимё, ботаника, математика, алгебра, тригонометрия, теология, минералогия, метеорология, геология, геодезия, гидрология, топография, картография, тарих, география, механика, фармакология, фалсафа, филология, лингвистика, этика, эстетика, логика, астрология, антропология, социология, психология, этнография, хиндшунослик, эроншунослик фанлари бўйича бетақдор тадқиқотлар олиб борди. У замонасининг етук олими Абу Наср ибн Ироқ Мансурдан фалақийёт ва риёзиётга оид билимларни, фанининг деярли ҳамма соҳаларига қизиқиб, юнон илми, Шарқнинг буюк фан ва маданиятини, араб, суғдий, форс, сурий, юнон, қадимги яҳудий, санскрит тилларини ўрганди. 990 йилда, яъни Коперник замонидан бир неча аср олдин она шаҳри Котда муҳим астрономик кузатишлар ўтказди, ўзи астрономик асбоблар ихтиро этди. Табиб, фалақийётшунос ва файласуф Масихийга шогирд тушди. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишча, ўша худуд ҳукмдори Қобус ибн Вашмир Берунийга вазирлик лавозимини тақлиф қилди, аммо олим бунга рози бўлмади.

Беруний Ғазнада “Хоразмнинг машҳур кишилари”, “Таҳдид низоёт ил-амоккин ли тасхис масофот ил-масоккин” (“Турар жойлар (орасидан) масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш”) — “Геодезия”, “Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушуначалар”, “Таҳқиқ мо ли-л-Хинд мин маъқула макбула фи-л-ақл ав марзула” (“Хиндларнинг ақлга сиғадиган ва симгайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”) — “Хиндистон” асарларини ёзди.

“Хиндистон” ҳажм жиҳатидан жуда катта асар. Унда хинд адабиёти, фалсафаси, жўрофияси, эпшунослик, қонулари ва урф-одатлари, дин, тарихий-диний ривоятлар, хинд ёзувининг турлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Берунийнинг астрономияга оид “Ал-Қонун ал-Масъудий” (“Масъуд қонуни”) асари султон Масъудга бағишланган. Шунингдек, алломанинг “Китоб ал-жамохир фи маърифат ал-жавоҳир” (“Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами”) — “Минералогия”, “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб” — “Сайдана” асарлари ҳам жаҳон фанини ёрқин саҳифалар билан бойитган.

Беруний 1035-1036 йилларда ўз илмий ишлари 113 тага етганини айтади. Унинг тўлиқ илмий мероси 152 китоб ва рисоладан иборат бўлиб, 70 таси фалақийёт, 20 таси риёзиёт, 12 таси география ва геодезия, 3 таси маъданшунослик, 4 таси хариташунослик, 3 таси иқлимшунослик, 1 таси физика, 1 таси дориворшунослик, 15 таси тарих ва эпшунослик, 4 таси фалсафа, 18 таси адабиёт ва бошқа фанларга оид бўлган. Аллома бошқа тиллардан бир қанча илмий ва адабий асарларни таржима ҳам қилган. Беруний дунёнинг тузилиши масаласида дадил илмий хулосаларни илгари сурган. Жумладан, “Хиндистон” асарида Ернинг айланлиш ҳаракатини шарҳлади. “Геодезия” асарида геоцентризмга оид айрим назарияларни танқид қилди. Маълумки, у 1029 та юлдузنى ўз ичига олган ҳадвал тузган. Геометрия, арифметика, алгебра, сонлар назарияси ва тригонометрияда янги саҳифалар яратди. Тригонометрияга мустиқл фан сифатида қараб, тригонометрик функцияларнинг умумий қонуниятларини ўрганди.

“Ал-Қонун ал-Масъудий” асарида ясси ва сферик тригонометрия борасида янги қоидаларни асослаб берди. География, геодезия ва геология фанлари соҳасидаги кашфиётлари Берунийни жаҳоннинг энг пешқадам олимлари қаторига қўшди.

Аллома у пайтлари географияда унча маълум бўлмаган шимолий ўлкалар, Болтиқ ва Оқ денгиз, Сибирь, Хитой ва Тибетга туташ ўлкаларни тўла ва аниқ тасвирлаган. Птолемейга қарама-қарши Атлантика ва Хинд океанларининг жанубий томони бир-бирига туташганини исботлаб берган. Тарихда Америка қитъасини 1492 йилда денгиз сайёҳи Христофор Колумб кашф этгани қайд қилинган. Беруний “Хиндистон” асарида ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида гапириб, “...Ернинг чораги маъмурарид. Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Мухит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу Мухит океани, ерининг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган оролардан иккала ёқдан (ғарбдан ва шарқдан) ажратиб туради...” деб ёзади. Шундай фикрни “Ал-Қонун ал-Масъудий” асарида ҳам илгари суради. Демак, ғарбий ярим шарда яхлит бир қуруқлик, кейинчалик Америка деб номланган қитъа мавжудлигини Беруний европалик олимлардан 450 йилча олдин асослаб берган. Алломанинг ақл машъали жаҳон академик фанининг қатор соҳаларини ёритиб, илмнинг эълкидан ортиқ жаҳаларига бебаҳо кашфиётлар бўлиб қўшилди. Айниқса, Ер шарининг ўлчамлари ҳақидаги маълумотлари юнон, хинд олимлари ва ўзига замондош бўлган Яқин ва Ўрта Шарқ олимлари хулосаларига нисбатан анча аниқ, У Ер айланаси узунлигини ўлчашда математик ҳисобларга асосланган метод топди. Туркистон минтақаси, шу жумладан, Амударё воҳасининг геологик



ривожланишини биринчилардан бўлиб жидайд ўрганди. Орол денгизининг пайдо бўлиши ҳақидаги хулосаларини илгари сурди. Беруний Марказий Осиё ва умуман Яқин Шарқда биринчи илмий глобус ясади. — Буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний ўзининг оригинал инновациядан ғоялари, чуқур асосланган концепциялари ва назариялари билан жаҳон цивилизацияси ривожига мислсиз улуш қўшди, — дейди Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор, “Беруний авлодлари” жамоат фонди ҳузуридаги Берунийшунослик илмий маркази раҳбари Бахтиёр Каримов. — Абу Райхон Беруний ўзининг борлиқ ҳақидаги концепцияси замкирида Демокритнинг

БУЮК ОЛИМИ

атомистик таълимотини унда қабул қилинган бўшлиқнинг мавжудлигини инкор этиш билан ривожлантирди. Беруний атомлар орасида ўзаро тортишиш кучлари таъсир қилишини ҳисобга олиб, гравитацион майдон назариясининг асосий ғоясини илгари сурди... Беруний зарралар ва улардан таркиб топган жисмлар орасида ўзаро таъсир кучлари ва бу ўзаро таъсирни таъминловчи кучлар майдони мавжудлигини исботлади...

Беруний ёруғлик нурининг табиатини қараб чиқиб, бу нурлар жисмлардан, зарралардан иборат деган ғояни асослади ва кўп асрлардан сўнг бу ғоя Ньютон томонидан батафсил ривожлантирилди, кейинроқ Эйнштейн ундан ўзининг фотозфферкт ҳақидаги назариясида фойдаланди. Микро, макро ва мегадунёларнинг замонавий физика назариялари асосида Планк, Резерфорд, Гейзенберг, Шредингер, Бор, Паули, Дирак каби буюк олимларнинг асарларида ишлаб чиқилган квант механикаси ҳамда ўзларининг тамойилларига кўра, бир хил бўлган квантланган майдонлар назарияси ҳам кўп жиҳатдан Беруний ғояларига таянади.

Птолемейнинг геоцентрик таълимотини таҳлил қилган Беруний Ернинг Қуёш атрофида эллиптик орбиталар билан ҳаракатланиши мумкинлиги ҳақидаги ғояни, яъни Коперникдан бир неча аср аввал унинг гелиоцентрик системасини тушунтирди, Кеплердан аввал сайёралар орбиталарининг

“ТАРИХДА АМЕРИКА ҚИТЪАСИНИ 1492 ЙИЛДА ДЕНГИЗ САЙЁҲИ ХРИСТОФОР КОЛУМБ КАШФ ЭТГАНИ ҚАЙД ҚИЛИНГАН. БЕРУНИЙ “ХИНДИСТОН” АСАРИДА ЕР ЮЗАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ДЕНГИЗ ВА ҚУРУҚЛИК ТЎҒРИСИДА ГАПИРИБ, “...ЕРНИНГ ЧОРАГИ МАЪМУРАДИР. МАЪМУРАНИ ҒАРБ ВА ШАРҚ ТОМОНДАН МУХИТ ОКЕАНИ (АТЛАНТИКА ВА ТИНЧ ОКЕАНИ) ЎРАБ ТУРИБДИ. БУ МУХИТ ОКЕАНИ, ЕРНИНГ ОБОД ҚИСМИНИ ДЕНГИЗЛАРНИНГ НАРИГИ ТОМОНИДА БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚУРУҚЛИК ЁКИ ОДАМ ЯШАЙДИГАН ОРОЛЛАРДАН ИККАЛА ЁҚДАН (ҒАРБДАН ВА ШАРҚДАН) АЖРАТИБ ТУРАДИ...” ДЕБ ЁЗАДИ.

эллипс шаклида эканини аниқлади, математика фани соҳасига инновациядан ёндашиб, устози Ибн Ироқ билан бирга, сферик тригонометрия фанига асос солди, астрономия соҳасида эклиптиканинг экваторга оғиш бурчагини аниқлади.

Буюк мутафаккир ва қомусий олим шахсията бўлган қизқиш барча замонларда юқори бўлган. Айни чоғда XX аср бои-рада янги саҳифалар очганидан кўз юмиб бўлмайди.

1955 йилнинг июнида Хиндистон Бош вазир Явахорлал Неру қизи Индира Ганди билан Чехословакия сафаридан сўнг Тошкентга ҳам келади. Самарқандни томоша қилади. Ўша сафар чоғи Ж.Неру республика ҳукумати раиси Н.А.Мухитдиновдан “Буюк аллома, “Хиндистон” деган ажойиб асар ёзган Абу Райхон Беруний туғилган Кот шаҳри тупроғини таовф қилишининг иложи борми?” деб сўрайди. Ҳукумат раиси у жой олис Қорақалпоғистонда эканлигини, кейинги келишига ўша кўнаилишни тайёрлаб қўйишини айтиб, узр сўрайди. 1957 йилнинг 3 июлида алломанинг киндик қони томган Шаббоз туманининг номи Беруний тумани деб ўзгаририлди. 1973 йилнинг 8 сентябрь кунги Абу Райхон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги у туғилган заминда кенг нишонланди, мухташам ҳайкали очилди. Тадбирда Ўзбекистон ФА президенти О.Содиқов, ФА вице-президентлари И.Мүминов, М.Нурмухаммедов, Озарбайжон ФА академияси А.Сумбатзода қатнашдилар. Қажрамон У.Жуманиёзов номидаги 48-мактаб ёшлар сардори сифатида меҳмонларга нон-тўз туттиш, гулдасталар бериш, совға тарздаи ўшанда нашрдан чиққан аллома асарлари бешинчи жилдининг иккинчи китоби — “Қонуни Масъудий”ни олиш менга насиб этган эди. Ўшанда “Ўзбекфильм” студияси 2 қисмдан иборат “Абу Райхон Беруний” фильмини яратди.

Истиқлол Берунийнинг бой илмий меросини Ўзбекистон ва ундан ташқарида чуқур ўрганишга кенг йўл очиб берди. Унинг асарлари лотин, француз, италян, немис, инглиз, форс, турк ва бошқа тилларга таржима қилинди. Энг муҳими, 1997 йил 17 декабрда алломанинг ҳоқи Бобур номидаги халқаро жамоат фонднинг раҳбари, геология-минералогия фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабовнинг заҳматлари орқали Ғазнадан Кот шаҳри тупроғига келтирилди.

— Буюк бобокалонимизнинг табарруқ ҳоқи ўзи туғилган тупроққа олиб келинган сана — 1997 йилнинг 18 декабри биз, берунийликлар учун мўтабар маъракага айланган эди, — дейди “Беруний авлодлари” жамоат фонди раиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Қурбон Шониёзов. — Аслида Зокиржон ака бошлиқ экспедиция бобомиз қабрини 1996 йилнинг сентябрь ойидаги бешинчи сафар чоғида зиёрат қилган, журналист Фаррух Расулов аллома сўнгги манзилининг аянчли манзарасини тасвирга олган. Бу тасвирларни қўрганда киприқларимиз қайгу билан намланган эди. Еттинчи сафар самараси ўлароқ буюк бобомиз ҳоқи келтирилганида ҳаммамининг кўзларимизда қувонч ёшлари ҳалқаланди. Шу ўринда ҳоқ келтирилиши олдида ноз берган бир ҳолатни қайд қилишни истардик.

орқасида сарой қурди”. С.П.Толстов бу матни бирмунча бошқачароқ ўқийди: “Ал Фир Хоразм шаҳри яқинидаги қалъа эди, у лой ва хом гиштдан қурилган бўлиб, бири ичига иккинчиси қурилган ва биридан иккинчиси баланд учта девори бор эди ва уларнинг ҳаммасидан подшоҳларнинг қўши баланд эди... ва (Африг) ўз қўшини Искандардан кейин 660 йилда Ал Фирнинг ичига солди”.

Қай тарзда ўқилишига қарамай, Хоразм (Фил-Кат) шаҳри 305 йилда Африг қўши қурилмасдан ва бу ерга афригийларнинг қароргоҳи қўчирилмасидан илгари ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлади. “Хоразмнинг энг қадимий пойтахти Кот шаҳри номининг келиб чиқиш тарихи анча мураккаб, — дея фикрини давом эттиради Я.Ғуломов. — Гекатей уни “Хорасмий” деб атайди. Араблардан Ибн Руста ва Ибн Фадлан қабилиб бу шаҳарни “Хоразм” дейдилар. Агар Гекатейнинг “Хорасмий”си араб авторларининг “Хоразм”ига тўғри келса, қадим замонларда Хоразмнинг пойтахти ҳам шу мамлакатнинг номи билан, яъни Хоразм деб аталган деб таҳмин қилиш мумкин”.

Биз бу муҳим маълумотларни нега келтирмаймиз? Гап шундаки, Абу Райхон Беруний таваллуд топган муқаддас маскан дунё сайёҳлари учун мафтункор жой, Давлатимиз раҳбари қарориди белгиланган улкан мажмуа биттач, бу ерга келган сайёҳлар Беруний замонидан 44 гектардан иборат Кот, унга яқин жойдаги Ал-Фир, яъни Филқалъа харобалари, Македонский даврида подшоҳ Фаразманиннг пойтахти деб таҳмин қилинган 110 гектарлик Ақчаонқалъа, Тоширмон ибодатхонаси, Султонувайс макбараси, қўхна Қизилқалъа қўргони, Хоразм шоҳлари қароргоҳи Тупроққалъа, қушонлар даврига оид Аёққалъа мажмуаси, қадимий Ёнобшолъа, уч минг йиллик расадхона бўлган Қўйқирилганқалъа, мўғуллар босқинидан кейин ҳам ўз салобатини йўқотмаган Гўлдурсунқалъа, ислом оламида машҳур Норинқонқалъа, афригийлар даврига оид қўргонлардан Эллиқалъа, Думанқалъалардан иборат “олтин ҳалқа”ни айланса нур устига нур бўлади.

— Абу Райхон Беруний мажмуаси бунёд этилгач, у масканнинг қўламини яна кенгайтириб, ҳам илм, ҳам сайёҳлик маркази сифатида қанот ёвди, деган орузимиз бор, — дея давом этади профессор Бахтиёр Каримов. — Ҳозир “Беруний авлодлари” жамоат фонди тасарруфидида бобо ҳоқи қўйилган бот 18 гектар. Халқаро Бобур жамоат фонди тасарруфидида бот эса 340 гектар бўлиб, улкан сайёҳлик мажмуаси яратилган. Беруний мажмуасини дарё соҳилидаги баҳаво жойларга чина кенгайтириш имконияти бор. Айни чоғда биз бу ерда Абу Райхон Беруний номидаги халқаро университет, юксак мақомга эга Халқаро илмий-тадқиқот маркази, иқтидорли болаларнинг геология ва минералогияга ихтисослаштирилган Абу Райхон Беруний номидаги мактаби ташкил этилиши, олимлар шаҳарчаси қад тиклашдан умидворимиз...

— Янги Ўзбекистонда жаҳон фани ривожига улкан хисса қўшган буюк аждодаларимизнинг бебаҳо илмий меросини кенг ўрганиш, беназир кашфиётларидан амалда фойдаланиш, оммашлатиришга алоҳида аҳамият берилмоқда, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қажрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ Санақулов. — Бу гани бемалол буюк мутафаккир ва қомусий аллома Абу Райхон Беруний илмий мероси тўғрисида ҳам айта оламиз. “Минералогия” асарини бу мероснинг олтин тоғи деб атаса бўлади. Дунёга машҳур академикимиз Ҳабиб Абдуллаев Беруний-ий геология соҳасидаги энг буюк назарий-етчилардан бири деб атаганида юз қарра ҳақ эди. Олимнинг минералогия фанидаги муҳим кашфиёт ва хулосалари тўғрисида унлаб монографиялар ёзиш мумкин. Унинг бу асари қонларни ўрганиш, жумладан, Урта Осиё ер ости бойлиқларини аниқлаш учун қимматбаҳо манба ҳисобланади. “Минералогия”ни ўқиган ҳар бир киши бунга тўла йймон келтирди... Олтин зангламаганидек, Абу Райхон Беруний илмий мероси ҳам минг йиллар давомида инсониятга ҳолис хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-964. 81594 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳис: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 01:40 Топшириғди — 02:30